

“Тасдиқлайман”

“Бухоро халқаро аэроporti” МЧЖ директорининг
ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринбосари,
харид комиссияси раиси

Jabborov Z.B.

« 26 » 09. 2022 г.



Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари

“Бухоро халқаро аэроporti” МЧЖнинг махсус транспорт воситалари
ва техникаларини таъмирлаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлари,
материаллар ва жиҳозларини сотиб олиш бўйича

ТАНЛАШ ҲАҚИДА АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Харид предмети	“Вухоро халқаро аероporti” МЧЖнинг махсус транспорт воситалари ва техникаларини таъмирлаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлари, материаллар ва жиҳозларини сотиб олиш.
Лотларга бўлиниши	1 та лот
Савдоларни ўтказиш даври (ой)	Сентябрь-октябрь ойи
Молиялаштириш манбаи	Давлат бюджети маблағларидан ташқари, ўз ҳисобидан
Бошланғич нарх	<u>Эл. тизимида.</u> сўм, ҚҚС билан
Танлаш таклифининг таъминотимикдори (закалат ёки банк кафолати)	3% бир лот учун
Тўлов шартлари	Буюртмачи Бажарувчига шартнома имзолангандан сўнг 10 (ўн) кун ичида шартнома умумий қийматининг 30 % миқдорини олдиндан тўлайди, қолган 70 % миқдорини ишлар бажарилгандан сўнг топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактура имзоланганидан кейин 20 (ўн) кун ичида тўловни амалга оширади.
Тўлов валютаси	Ўзбек сўми.
Хизмат кўрсатиш жойи	Бухоро ш., Б.Нақшбанд шоҳқўчаси, 251
Ўтказиб бериш/хизмат кўрсатиш муддати (вақти)	Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 30 календарь кун муддатда
Танлаш таклифининг амал қилиш муддати	Таклифлар берилган кундан бошлаб камида 30 кун
Танлаш иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	<i>Танлашда, унда қатнашиши учун қўйиладиган шартларни бажарган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган барча жисмоний ёки юридик шахслар иштирок этиши мумкин.</i>
Танлаш таклифларини тақдим этиш муддати (камида беш иш кун ва кўпи билан икки иш кун)	камида беш иш кун
Танлаш ўтказиш бўйича харидкомиссияси котиби (ёки ишчиоргани)	Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар: О.Ш. Ахмедов Тел.: (+99897) 301-21-06

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1 Умумий қондалар.

- 1.1 Танлаш бўйича мазкур харид қилиш хужжатлари (кейинги ўринларда - танлаш хужжатлари) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувоқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлаш предмети: “Вухого халғога аегороги” МЧЖнинг махус транспорт воситалари ва техникаларини таъмирлаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлари, материаллар ва жиҳозларини сотиб олиш.
- 1.3 Танлаш ўтказиш (лойиҳани амалга ошириш учун) учун асос: Махус транспорт воситалари ва техникаларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш.
- 1.4 Танлашнинг бошланғич нархи: Электрон
Тузатмалар сўм, ҚҚС билан;
Танлаш таклифда кўрсатилган нархлар бошланғич нархдан ошмаслиги керак.
- 1.5 Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.
Харид комиссияси ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.
- 1.6 Ушбу танлаш хужжатларида фойдаланиладиган асосий тушунчалар:
аванс тўлови - қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачи ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, операторнинг воситачилик йиғимини ва томонларнинг зақалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;
таклифни таъминлаш - буюртмачининг талабига бинсан иштирокчи томондан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, кафолат, зақалат тарзида ёхуд қонунчилик хужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши;

давлат харидлари электрон тизимининг оператори (кейинги ўринларда - оператор) - давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган махсус ваколатли юридик шахсдир;

шахсий кабинет - электрон давлат харидларидаштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг махсус ахборот порталдаги индивидуал саҳифаси;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан буён матнда ХҚКП деб юритилади) - аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларни электрон харидларга киришини таъминловчи Операторнинг таркибий бўлимаси;

давлат харидларининг электрон тизими(бундан буён матнда электрон тизим деб юритилади) - электрон давлат харидлари жараёнида давлат харидлари субъектларининг ҳамкорлигини, электрон давлат харидларижараёнидаги харид қилиш тартиб-таомиллари ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастуриймажмуи;

электрон давлат харидлари - ахборот- коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли.

2 Электрон танлаш 2.1 ташкилотчилари

Танлаш буюртмачиси: “Вихого халқаро асгортгг” МЧЖ (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”).

2.2 Танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг ишчи органи “Бухоро халқаро аеророти” МҶЖ ҳисобланади. Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахс:
“Бухоро халқаро аеророти” МҶЖ шартномалар бўйича иқтисодчи Аҳмедов Оқилжон, тел: 97 301-21-06
Манзил: Бухоро шаҳар, Б.Нақшбанд шохкўчаси, 251 тел: (+99865) 228-90-90.

2.3 Шартнома эгаси: “Бухоро халқаро аеророти” МҶЖ

2.4 Танлаш, камида беш нафар аъзодан иборат таркибда буюртмачи томонидан ташкил қилинган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

3 Электрон танлаш иштирокчилари

3.1 Электрон танлаш иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) электрон таанлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир.

3.2

Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;
буюртмачига ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришларолиш;
давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;
қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Иштирокчи:

3.3

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига
риоя этиши;
харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ бўлган
таклифлар ва хужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим
этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар
бўлиши;
асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги
маълумотларни ошқор этиши;
ғолиб деб топилган тақдирда, Буюртмачи билан
қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва
муддатларда шартнома тузиши шарт.

3.4 Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашуви бўлган
иштирокчи давлат харидлари иштирокчиси бўла
олмайди.

3.5 Иштирокчи давлат хариди ижросиси (ғолиб) дебэътироф
этилган тақдирда:
танлаш савдолари яқунлари бўйича ғолиб деб расман
эълон қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида
давлат харидлари махсус ахборот порталида тегишли
маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки
билвосита 25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга)
хақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг яқуний
манфаатдор шахслари (бенефициарлари)
тўғрисидаги ахборотларни ошқор қилишлари;
ўзларининг веб-сайтларида ва махсус ахборот
порталида доимий асосда танлаш савдолари яқунлари
бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари
бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб
боришга мажбур.

4 Электрон танлашга киритиш

4.1 Иштирокчилар ХҚҚПдаги шахсий ҳисоб varaқларига
3% аванс тўловларини киритганларидан сўнг электрон
танлашга кўйилади.

4.2 Буюртмачи ва иштирокчилар электрон харидлардаги
иштирокларини электрон рақамли имзоларидан (бундан
буён матнда ЭРИ деб юритилади) фойдаланган ҳолда
амалга оширади. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан
ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган
шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб
ҳисобланади.

- Ўзбекистон Республикасининг норезидентларга давлат харидлари электрон тизимида рўйхатдан ўтиши ва тижорат таклифларини юборишни электрон рақамли имзо қалитсиз шахсий кабинет орқали амалга ошириши;
- электрон давлат харидларида қатнашиш учун тўланадиган аванс тўловлар орқали Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини идентификация қилиши мумкин.

4.3

Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимда қуйидагиларни амалга оширади:
давлат буюртмачиси ва иштирокчига киритилган аванс суммасига мувофиқ хар бир лот бўйича электрон давлат харидларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;
электрон давлат харидларини ўтказиш;
иштирокчиларни аниқлаш ва шартномани шакллантириш;
электрон давлат харидлари иштирокчиларининг таклифларини Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги маълумотлар базаларига интеграциялашуви орқали баҳолаш учун зарур бўлган маълумотлар билан давлат буюртмачиси ва харид комиссиясини таъминлайди.

4.4

Иштирокчиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги сўровнома-аризани тўлдириш йўли билан амалга оширилади.
Иштирокчиларни харидга киритиш, уларнинг қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади:
шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги; солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддаги ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИ мавжудлиги иштирокчини шартнома тузиш ҳуқуқини белгилайди. Иштирокчи сўровнома-аризада унга нисбатан қўлланилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича мuddати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни тасдиқлайди.

Иштирокчи томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг, портал томонидан Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотларини унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик, танлаш эълон қилинганга қадар таъсис этилганига 6 ойдан кам бўлмаганлиги ҳолатлари текширилади.

Иштирокчи томонидан таклиф қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) намуналарини ўз вақтида тақдим қилинганлиги (*танлаш Иштирокчиси томонидан танлаш таклифига мос бўлган Товар (иш, хизмат) намунаси топширилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг асл нусхаси асос бўлиб ҳисобланади*) текширилади.

Оператор:

бюрогмачилар ва иштирокчиларга ХҚКПда алоҳида шахсий ҳисобрақамлар очади; бюрогмачилар ва иштирокчиларга шахсий кабинетлар ташкил этади.

5 Танлашда иштирок этиш ва таклиф таъминотини тақдим этиш тартиби

5.1

Таклифнинг таъминот усули, шу жумладан танлаш иштирокчисининг келишилган муддат даврида ўз таклифини қайтариб олмаслигига кафолаг берувчи пул закалатини киритиш ва қайтариб олиш тартиби ҳамда микдори электрондавлат харидлари тартиб-таомилларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

**Иштирокчи савдоларни ўтказиш вақтида қатнашишдан бош тортган тақдирда, унга закат суммаси қайтариб берилмайди ва бюрогмачининг ҳисоб рақамига махсус ахборот портали оператори номига юборилган ҳужжат асосида ўтказилади.*

таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаши; шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат харидишартларида талаб этилса; давлат харидларининг бекор қилиниши; таклифларни юборишнинг охириги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олинishi.

5.4

Оператор электрон танлаш натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закататни банддан ечади ва уни ижрочининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради.

Операторнинг воситачилик йиғими давлат харидларининг яқунларига кўра битимнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб давлат буюртмачиси ва иштирокчининг аванс тўловларидан давлат харидларининг электрон тизими томонидан ушлаб қолинади.

6 Танлаш таклифларини баҳолаш тартиби

6.1

Электрон танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг танлаш таклифини рад

этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларни иштирокчининг танлаш таклифиде кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг топширигига асосан эксперт гуруҳи томонидан амалга оширилади.

6.2 Танлаш таклифларини баҳолаш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:
танлаш таклифининг танлаш хужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;
иштирокчининг малака талабларга (танлаш хужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш;
танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш;
танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш.
Бунда давлат харидларининг электрон тизими танлаш таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотлар танлаш таклифининг олдинги қисми баҳолалиши яқунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.

6.3 Электрон танлаш иштирокчилари томонидан тузиладиган хужжатлар рўйхати ушбу йўриқноманиннг № 1, 2 шакларида келтирилган.

6.4 Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш танлаш хужжатлари (1-илова)да белгиланган кетма-кетлик, тартиб, мезонлар ва услублар асосида амалга оширилади.

6.5 Иштирокчи қўйидаги ҳолларда танлашда иштирок этишдан четлаштирилади:
- у тўғрисида инсофсиз ижрочиларнинг ягонареестрида қайд мавжуд бўлса;
- унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;
- иштирокчи харид қилиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;
- иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.
- иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризани тақдим этмаган бўлса;
- иштирокчи шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлмаса;
- иштирокчи барча зарур ҳужжатлар тўпламини белгиланган муддатда тақдим этмаса ёки ўз вақтида тақдим этилган ҳужжатлар тўплами танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса;
- иштирокчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда.
- танлаш эълон қилингуна қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
- банк кафолатини тақдим қилмаган ва/ёки ҳужжатларни топширишнинг охириги санасига қадар ХККПдаги шахсий ҳисоб varaқларига белгиланган миқдорларда закалат суммасини ўтказмаган;
- таклиф қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) намуналарини ўз вақтида тақдим қилмаган (танлаш Иштирокчиси томонидан танлаш таклифига мос бўлган Товар (иш, хизмат) намунаси топширилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг асл нусхаси асос бўлиб ҳисобланади).

- Муассислари битта юридик ва жисмоний шахслар бўлган иштирокчилар.

Иштирокчини харид қилиш тартиб- таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарор ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги баённомага (ҳисоботга) киритилади ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.

Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси топширигига асосан ташкил этилган эксперт гуруҳининг ҳулосалари асосида, комиссия томонидан тасдиқланган қарор комиссия котиби томонидан

жойлаштирилади.
Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

6.7

Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси қотиби орақали электрон танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

Тушунтириш бериш жараёнида берилган таклиф ва нарх бўйича ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

6.8

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

7 Электрон танлашда иштирок этиш учун таклиф бериш

7.1

Танлашда иштирок этиш учун таклиф давлат тилида ва заруриятга қараб бошқа тилларда тайёрланади.

7.2

Электрон танлаш ўтказилганда иштирокчилар танлаш таклифларини электрон кўринишида

ўзларининг шахсий кабинетлари орақали электрон танлашни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

7.3

Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин*.

Танлаш савдоларида ғолиб бўлмаган танлаш иштирокчилари ғолиблар рўйхаги тасдиқлангандан сўнг 5 кун мобайнида таклиф қилинаётган Товарларнинг ўз намуналарини вақтинча сақлашдан олиб кетишлари шарт. Ушбу муддат тугагандан сўнг танлаш Иштирокчилари томонидан талаб қилиб олинмаган намуналар белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим.

Танлаш ғолиблари товарларни етказиш юзасидан тузилган шартномага мувофиқ ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар аввал вақтинча сақлашга берилган товарлар намунасини қолдиради. Етказиб бериш шартнома шартлари бажарилгандан сўнг танлаш Ғолиби (Ижрочи) 5 кун мобайнида масъул сақланиш жойидан ўзининг товар намуналарини олиб кетишга ҳақли.

**5 кун мобайнида олиб кетилмаган товар намуналари ўрнатилган тартибда йўқ қилинади.*

**Иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон тизимда шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.*

7.4

Танлаш таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлаш иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

7.5

Электрон танлаш иштирокчиси:

- битта лотга фақат битта танлаш таклифини беришга ҳақли

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

- танлаш таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлаш таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

7.6

Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда электрон тизим танлаш таклифларини қабул қилишни тўхтатади.

7.8

Иштирокчининг нарх таклифи электрон тизимнинг тегишли бўлимига киритилади.

8 Танлаш
таклифларини
тақдим этиш
муддатини
узайтириш

8.1 Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан танлаш таклифларини бериш муддати узайтирилиши ёки электрон танлаш иштирокчиларига танлаш таклифлари қабул қилиниши муддати харид комиссияси қарори билан маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

8.2 Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш куни олдин танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.
Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) номини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

9 Электрон танлаш
натижаларини
сарҳисоб қилиш

9.1

А) Электрон тизим автоматик равишда (балл усулидан фойдаланган) ҳолда танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл

тўплаган иштирокчини ғолиб сифатида аниқлайди.

Б) Танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра танлашда иштирок этишни давом эттиришга руҳсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортик иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, энг паст нарх таклиф этган иштирокчи ғолиб деб топилади.

9.2

Куйидаги ҳолларда танлаш ўтказилмаган деб топилади:
- агар танлашда битта иштирокчи иштирок этганёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса;

- агар харид комиссияси техник баҳолаш босқичида барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ келса.
Бундай ҳолатда буюртмачи танлашни айти ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айти ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.

9.3

Танлаш таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссияси қотиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йиғилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллайди.

Харид комиссияси аъзолари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шакланган йиғилишнинг электрон баённомаларини ЭРИдан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда эълон қилинади.

9.4

Электрон тағлашнинг исталган иштирокчиси танлаш таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг Буюртмачига электрон танлаш натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида электрон танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

10 Бошқа шартлар

10.1

Танлаш қолиби тузилаётган шартноманинг умумий суммасининг 3 фоизи миқдорда

шартнома мажбуриятларини бажариш кафолатини (закалат ёки банк кафолати шаклида) тақдим этади.

10.2

Электрон танлаш иштирокчиси танлаш ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан буюртмачига очиқ электрон чаг орқали танлаш таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин сўров юборишга ҳақли. Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида Буюртмачи, агар ушбу сўров Буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун - моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

10.3

Электрон танлаш иштирокчиси танлаш таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлаш таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартаришлар киритишга ҳақли.

10.4

Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда Буюртмачи бундай қарор қабул қилингандан кейин икки иш куни ичида электрон тизим орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослангирилган сабабларини эълон қилади.

11 Танлаш натижалари 11.1 бўйича шартнома тузиш

Танлаш натижалари бўйича шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

11.2

Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда,

харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб, ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, Буюртмачи янги танлаш ўтказади.

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

2022 йил _ _ даги
_ _ -сон

Харид комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан _____
(*иштирокчи номи*)

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;

- _____ (*буюртмачи номи*) билан суд ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;

- _____ (*буюртмачи номи*) билан аввал тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлари йўқлигини тасдиқлаймиз.

- _____ банкининг оффшор зоналарда рўйхатдан ўтказилмаганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

Бош бухгалтернинг (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. _____

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. _____

Мў.

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

Харид комиссияси

Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича
АРИЗА

Ушбу хат билан _____ :
(компания номи)

а):

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонуни талабларига риоя этиш;
- Буюртмачи томонидан бирор-бир хатги-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталган хозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилмаслик, бермаслик ёки беришга розилик билдирмаслик;
- рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик, шунингдек аффилиланганлик ҳолларига йўл қўймаслик;
- фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш;
- ёлгон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этмаслик, айна битта лотда иштирок этган аффилиланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олишини;

б):

- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга яқин қариндошларнинг мавжуд эмаслигини;
- нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан олдиндан тил бириктирмаслигини тасдиқлайди.

Имзолар:

Раҳбар Ф.И.Ш. _____

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. _____

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. _____

Мў.

Сана: 20 __ й. « __ » _____

Танлаш таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари

1. Таклифларни баҳолаш мезони (усули) – Метод наименьшей цены.
2. Давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини ғолиб сифатида аниқлайди.
3. Танлаш таклифларининг техник қисминидан нархни нарх қисмига ўтиш минимал бали 15 балли ташкил этади.
4. Маҳаллий ишлаб чиқарувчига нисбатан Давлат харидларининг электрон тизими (махсус ахборот портали) автоматик равишда 15% преференция қўлайди.
5. Буюртмачи қўйган талабларга жавобан Иштирокчилар бириктирган файллар 5 балли усулда баҳоланади.

№	Талаб номи	Қиймат тури	Қиймат	Баҳолаш мезони	Макс. балл	Мин. балл	Баҳолаш усули
1	Иштирокчи тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага эга бўлиши	Бинарное значение	Утверждения (Да/Нет)	Эксперт баҳоси	5	0	Гувоҳнома юкланса-5 балл, юкланмаса-0 балл билан харид комиссияси қотиби томонидан баҳоланади
2	Иштирокчининг коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризаси (тасдиқланган ҳолда, 2-сон шакл кўринишида)	Бинарное значение	Утверждения (Да/Нет)	Эксперт баҳоси	5	0	Ариза юкланса-5 балл, юкланмаса-0 балл билан харид комиссияси қотиби томонидан баҳоланади
3	Иштирокчи ташкилотнинг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини, аввал тузилган шартномалар бўйича лозимдаражада бажарилмаган мажбуриятлари йўқлигини, банкнинг офшор зоналарда рўйхатдан ўтказилмаганлигини тасдиқловчи қафолат хати (тасдиқланган ҳолда, 1-сон шакл кўринишида)	Бинарное значение	Утверждения (Да/Нет)	Эксперт баҳоси	5	0	Қафолат хати юкланса-5 балл, юкланмаса-0 балл билан харид комиссияси қотиби томонидан баҳоланади
4	Эҳтиёт қисмларга бериладиган қафолат муддати	Числовое значение	В диапазон е: лучше – больше от 6 до 24 месяц	Тизим томонидан	5	Тизим белгилайди	Электрон тизим томонидан автоматик равишда баҳоланади
5	Етказиб бериш муддати	Числовое значение	В диапазон е: лучше меньше от 10 до 30 день	Тизим томонидан	5	Тизим белгилайди	Электрон тизим томонидан автоматик равишда баҳоланади

МТХ бошлиғи

Sultonov K.D.

Шартномалар бўйича иқтисодчи

Ahmedov O.Sh.